

Шартнома № 38/2022
(Смета хужжатларини бажаришга доир)

Андижон шаҳри

2022 йил «26» июль

Буюртмачи Хожаобод тумани Ободонлаштириш бошкармаси бошлиғи Т. Чамрзаков кейинги ўринларда «Буюртмачи» - деб юритилувчи, бир томондан, «Yo'l Loyiha Service» МЧЖ номидан корхона Низоми асосида директор Х.Омурзаков иккинчи томондан кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилувчи, қуйидаги шартномани туздилар.

I. Шартнома мазмуни

1.1. Буюртмачининг буюртмасига асосан Бажарувчи қуйидаги бино ва иншоотларни қурилиш ишларига ишчи лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажаради.

1.2. **Объект номи:**

Хожаобод тумани Бахрин МФЙ Гузар кучасини жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёрлаш.

Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилиб олиб, тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартноманинг баҳоси

2.1. Шартноманинг умумий баҳоси 1 400 000 (Бир миллион тўрт юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Қушимча ишлар пайдо бўлганда Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасида қушимча келишув тузилади.

III. Тўлов шартлари.

3.1. Буюртмачи Бажарувчига бажарилган ишларни қабул қилиш учун шартнома умумий қийматининг олдиндан 30 фоизи миқдорида 420 000 (Тўрт юз йигирма минг) сўм аванс туловини амалга оширади. Колган 70% 980 000 (Тўққиз юз сақсон минг) сўмни бажарилган ишлар Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинганидан сўнг амалга оширилади.

3.2. Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни далолатнома билан қабул қилиб олади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачи томонидан бериладиган хужжатлари (лойиҳалаш топшириқлари, техник топшириқ ва бошқа бошланғич хужжатлар) тақдим этилган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва 2022 йил _____ кунига қадар ишларни тўлиқ Буюртмачига топширади;

- белгиланган режа жадвал бўйича ишларни ташкил этади ва ишларни амалдаги норматив хужжатларга мувофиқ сифатли қилиб бажаради;

- ишлар бажарилганидан сўнг қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузиб, Буюртмачига юборади;

- ишларни бажариш жараёнида хатолар аниқланган тақдирда, Буюртмачини бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилади;

- Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг натижаларини келишади ва бажарилган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот бериб боради.

4.2. Бажарувчи бажарилган ишларни Буюртмачининг рухсатисиз учинчи шахсга беришга ҳақли эмас.

4.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- Бажарувчига шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун ичида зарур хужжатларни тақдим этади;

- Бажарувчи ишларни сифатли ва тўғри бажариши учун барча ахборотлар билан таъминлайди;

- Бажарувчи томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида узлуксиз танишиб боради;

- Бажарилган ишларни қабул қилиб олади ва тўловни амалга оширади.

V. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби

5.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш техник-топшириқ талабларига асосан амалга оширилади.

5.2. Бажарилган ишларнинг босқичлари, тугатилиши билан боғлиқ ҳолда расмийлаштириладиган хужжатлар рўйхати ва топшириш тартиблари техник лойиҳалаш топшириқномаси билан ҳамда бажарилган ишлар далолатномасига асосан босқичлар бўйича Буюртмачи томонидан қабул қилиб олинади.

5.3. Бажарувчи ишни тамомлаганидан сўнг техник топшириқда назарда тутилган ҳолда, қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан бирга уч нусхада хужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этади.

5.4. Буюртмачи ҳисобот хужжатларини ва ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг, 10 кун давомида ишни қабул қилиш мажбуриятини олади.

5.5. Буюртмачи ишни қабул қилишни асосли рад этса, қушимча бажариладиган ишлар ва уларнинг бажариш муддатлари кўрсатилиб, икки томонлама далолатнома тузилади.

5.6. Бажарилаётган иш тўхтатилганда томонлар бир-бирини 5 кунлик муддат ичида хабардор қиладилар.

Дариллаётган иш асосли равишда тўқатилади ва уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмас деб топилганда, ишларнинг бажарилиши учун Буюртмачи Бажарувчига ҳақ тўлайди.

VI. Томонларнинг жавобгарлиги

- 6.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда авбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни тўлайди.
- 6.2. Бажарувчи томондан бажарилган ишлар учун Буюртмачи ўз вақтида тўловни амалга оширмаса, Буюртмачи Бажарувчига тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг сўммаси шартнома умумий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
- 6.3. Бажарувчи ўз вақтида Буюртмачига бажарилган ишларни тақдим этмаса, белгиланган тартибда олиб берилган ишлар ҳақида Буюртмачига ахборот бермаса, ишларни топширишни кечиктирган тақдирда, шартнома сўммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг сўммаси шартнома умумий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.
- 6.4. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.
- 6.5. Бажарилган ишда асосли камчилик аниқланган тақдирда Бажарувчи камчиликларини ўз ҳисобидан 1 ой муддатда бартараф эттишига мажбур.

VII. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари

- 7.1. Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, бунда томонлар жавобгарликдан озод этиладилар.



VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

- 8.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этадилар. Агарда юзага келган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмасалар, низо қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иктисодий суди томонидан ҳал этилади.

IX. Бошқа шартлар

- 9.1. Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.2. Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида шартнома бўйича янги мажбурият пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашув томонларнинг ваколатли шахслари томонидан ёзма равишда тасдиқланиши керак.
- 9.3. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.
- 9.4. Шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабрь 2022 йилгача.

X. Томонларнинг юридик манзилари ва банк реквизитлари

БУЮРТМАЧИ	БАЖАРУВЧИ
Ҳожаобод туман Ободонлаштириш бошқармаси	"YO'L LOYIXA SERVICE" МСНҲ
Ҳожаобод ш-р Узункўча	Андижон шаҳар Фитрат к А 4 уй
Марказий банк Тошкент шаҳар	"Узсаноатқурилиш"банк АТБ "Бунёдкор"БХМ офиси
х/р 100022860032367045203110001	х/р 2020 8000 6054 7412 4001
МФО:00014 ИНН:205595604	МФО:00440 ИНН:309 163 202
ОКОНХ:90790	ОКОНХ:66000
Раҳбар;	Директор :
 Т. Умарзаков	 Х. Омурзаков



Шартнома баҳосини келишуви



БАЁННОМАСИ


Биз қуйида имзо чекувчилар Низом асосида иш юритувчи «Yo'l Loyiha Service» МЧЖ бундан буён матнда «Бажарувчи» деб номланувчи номидан корхона директор Х.Омурзаков, иккинчи томондан Буюртмачи бошлиғи Р.Ҳеєєєєєєєєєє 2022 йил «26» июль 38/2022 сонли шартнома баҳосини қуйидагича келишилганлигини тасдиқлаймиз, Ушбу Баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Баённомадаги келишилган нарх очиқ ҳисобланиб, қўшимча ишлар пайдо бўлганда қўшимча шартнома тузилади.

№	Иншоот номи	Жами
1	Хожаобод тумани Баҳрин МФЙ Гузар кучасини жорий таъмирлаш учун смета ҳужжатларини таёрлаш	1 400 000
	ЖАМИ	1 400 000

Шартноманинг қиймати 1 400 000 (Бир миллион тўрт юз минг)сўм.

БУЮРТМАЧИ	БАЖАРУВЧИ:
Хожаобод туман Ободонлаштириш бошқармаси	«YO'L LOYIHA SERVICE» МЧЖ
Хожаобод ш-р Узункўча	Андижон шаҳар Фитрат к А 4 уй
Марказий банк Тошкент шаҳар	«Узсаноатқурилиш»банк АТБ «Бунёдкор»БХМ офиси
х/р 401722860032367045204110001	х/р 2020 8000 6054 7412 4001
МФО:00014 ИНН:205595604	МФО:00440 ИНН:309 163 202
ОКОНХ:90290	ОКОНХ:66000
Раҳбар;	Директор :
 Р. Ҳеєєєєєєєєєє	 Х.Омурзаков



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RI SIDDA HUQUQIY XULOSA**

№ MC38287257

1. Loyihaning turi:
Shartnoma

2. Loyihaning nomi:
Xizmat ko'rsatish shartnomasi

(Buyurtmachi Xujaobod tumani Obodonlashtirish boshkarmasi T. Umirzakov keyingi o'rinlarda «Buyurtmachi» deb yuritiluvchi, bir tomondan, «Yo'l Loyixa Service» MChJ nomidan korxonasi Nizomi asosida direktor X.Omurzakov ikkinchi tomondan keyingi o'rinlarda «Bajaruvchi» deb yuritiluvchi, quyidagi shartnomani tuzdilar.

Buyurtmachining buyurtmasiga asosan Bajaruvchi quyidagi bino va inshootlarni qurilish ishlariga ishchi loyihasmeta hujjatlarini tayyorlash ishlarini bajaradi.

Ob'ekt nomi : **Xo'jaobod tuman Baxrin MFY Guzar ko'chasini joriy ta'mirlash uchun smeta xujjatlarini tayyorlash**

Shartnomaning umumiy bahosi 1 400 000 (Bir million to'rt yuz ming) so'mni tashkil etadi. Kushimcha ishlar paydo bo'lganda Buyurtmachi bilan Bajaruvchi o'rtasida qo'shimcha kelishuv imzolaydi.)

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Xo'jaobod tumani Obodonlashtirish boshqarmasidan

21.07.2022

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Yuridik xizmat ko'rsatish Markazi

21.07.2022

Bosh yuriskonsulti



M. Tajiboev

21.07.2022

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Хужабод туман Бахрин МФЙ Гузар кўчасини жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёрлаш ишлари буйича танлов комиссиясининг йиғилиш

БАЁНИ № 8

2022 йил «21» июль

Хужабод тумани

Хужабод туман ҳокимининг «Тумандаги Хужабод туман Бахрин МФЙ Гузар кўчасини жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёрлаш ишлари хақида»ги 2022 йил 5- июлда тасдиқланган танлов хайъатининг аъзоси йиғилишда иштирок этдилар:

1. А.Саитов - туман ободонлаштириш бошқармасининг бош муҳандиси хайъат раиси

ХАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ:

- 2 О. Мирзаева - туман ободонлаштириш бошқармаси ёрдамчи ҳисобчи, котиби
- 3. Х.Халилов - туман ободонлаштириш бошқармаси Кабристон назоратчиси, аъзо
- 4. Г. Аманова - туман ободонлаштириш бошқармаси омборчи, аъзо
- 5. О. Ортиқов - туман ободонлаштириш бошқармаси булим устаси, аъзо
- 6. А. Соипов - туман ободонлаштириш бошқармаси бригадир, аъзо

КУН ТАРТИБИ

Хужабод туман Бахрин МФЙ Гузар кўчасини жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёрлаш ишлари бўйича танлов ўтказиш хақида

Кун тартибидаги масала юзасидан туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Т. Умирзаков сўз олиб ички йўллари жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун тузилган Бахрин МФЙ Гузар кўчасини жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёрлаш учун нуқсонлар кайдномасига тузилган булиб, унга кура Бахрин МФЙ Гузар кўчаси жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш учун 2180000 сўм маблаг ажратилиши кўзда тутилган.

Биз ушбу ички йўлни жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёрлаш ишларини амалга оширувчи пудрат ташкилоти - қурилиш корхонасини аниқлаб олишимиз керак. Ички йўлни асфалтлаш ишларини амалга оширишда танловга катнашиш таклифи ушбу фаолият билан шугулланувчи бир қатор хўжалик юритувчи субъектларга Махсус Ахборот парталига 8.07.2022 йил жорий таъмирлаш ишлари учун смета хужжатларини таёрлаш 1400000 сўмга лот №120246 билан эълонлар жойлаштирилди

Эълонга берилган №	Эълон нашр этган сана	Эълонга берилган маблаг	Эълонга кўйилган хизмат тури	«Андижон Айбил» х/к томонидан кўйилган таклиф	«Йўл лойиха сервис» МЧЖ томонидан кўйилган таклиф	
120246	17.07.2022 й	2180000 сум	Хужабод туман «Бахрин МФЙ Гузар кўчаси жорий таъмирлаш учун лойиха смета хужжатларини тайёрлаш ишлари	1500000 сум	1400000 сум	

Танловда Хужабод туманидаги «Андижон Айбил» х/к, «Йўл лойиха сервис» х/к лар ўз тижорий таклифлари билан катнашмоқда.

1. «Андижон Айбил» х/к
Бажариладиган ишлар буйича 1500000 сўм.

2. «Йўл лойиха сервис» х/к

Хайъат аъзолари томонидан ички йўлни жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёрлаш ишларини амалга оширувчи корхоналарининг таклифлари ўрганиб чиқилиб, ягона солиқда бўлган субъектлар учун Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари, Қурилишлар миқёсида ислохотларни амалга ошириш ва фаолиятни лицензиялаш ишларини мониторингини олиб борувчи хайъатининг раиси Н.М.Ханов томонидан 2009 йил 3 февралда тасдиқланган баённомага асосан ягона солиқда эканлигини қайта ҳисоб китоб ва таҳлил қилиниб овозга қўйилганда «Йўл лойиха сервис» МЧЖ таклифини ёқлаб хайъати аъзолари томонидан овоз берилди.

(Қатнашчиларнинг тижорий таклифлари ва давлат руйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси баённомага илова қилинади)

Танлов комиссиясини аъзолари кун тартибдаги масалани муҳокама қилиб:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўтказилган танловда Андижон вилояти Давлат хизматлари маркази томонидан 2021 йил 29 декабр куни тадбиркорлик субъекти сифатида № 1079247 ракам билан гувоҳнома берилган (СТИР № 309163202) «Йўл лойиха сервис» МЧЖ ички йўлларини жорий таъмирлаш ишларини бажариб беришligини ҳисобга олиб танлов ғолиби деб топилсин.

2. Ушбу қарорга асосан Хужаобод туман Ободонлаштириш бошқармасининг «Келажак равон йўллари» МЧЖ билан **Бешқарам МФЙ Оромгоҳ кўчаси жорий таъмирлаш** ишларини амалга ошириш буйича шартнома расмийлаштирилиши мақсадга мувофиқ деб топилсин.

3. Шартномада жорий таъмирлаш учун смета хужжатларини таёрлаш амалга оширишда ташкилотларни узига нисбатан банкротлик эмаслиги, каррупсияга йўл қўймаслиги тўғрисида тилхат, ишларни бажариш учун зарур техникавий молиявий моддий кадрлар ва бошқа ресурсларни мавжудлиги тўғрисида хужжатларни такдим қилганлиги ҳисобга олинсин.

4. Таъмирлаш ишлари учун буюртмачининг пудрат ташкилоти билан ҳисоб-китоблари, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган бир ойда бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномалари асосида, бажарилган иш миқдори (қилинган харажатлар) тўғрисидаги ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб варақ-фактуралар (маълумотномалар) буйича амалга оширилсин.

5. «Танлов натижалари буйича ғолиб» деган тушунча пудратчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома шартлари бузилганда буюртмачи, яъни туман ободонлаштириш бошқармаси ташаббуси билан шартномани бекор қилишга тусқинлик қилмаслиги таъкидлансин.

Қарор йиғилиш иштирокчилари томонидан ёқлаб овоз бериш билан қабул қилинди.

Комиссия раиси:

А. Саитов

Комиссия котиби:

О. Мирзаева

Комиссия аъзолари:

А. Соипов

Х.Халилов

О. Ортиков

Г. Аманова